

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

АБДУРАХМАНОВ АБДУСАЛОМ АБДУЛАГЗАМОВИЧ

**ЮҚОРИ ХАВФ ГУРУҲИГА ТЕГИШЛИ ЮРАК ИШЕМИК
ХАСТАЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ ШОШИЛИНЧ
РАВИШДА ЖАРРОХЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Абдурахманов Абдусалом Абдулагзамович

Юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишда жаррохлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштириш..... 3

Абдурахманов Абдусалом Абдулагзамович

Совершенствование методов экстренного хирургического лечения ишемической болезни сердца у пациентов группы высокого риска..... 31

Abdurakhmanov Abdusalom Abdulagzamovich

Improving of emergency surgical treatment of coronary heart disease in high risk patients..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

АБДУРАХМАНОВ АБДУСАЛОМ АБДУЛАГЗАМОВИЧ

**ЮҚОРИ ХАВФ ГУРУҲИГА ТЕГИШЛИ ЮРАК ИШЕМИК
ХАСТАЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ ШОШИЛИНЧ
РАВИШДА ЖАРРОХЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Tib351 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Хаджибаев Абдуҳаким Муминович Тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тураев Феруз Фатхуллаевич Тиббиёт фанлари доктори Шарипова Висолат Хамзаевна Тиббиёт фанлари доктори Марек Эрлих Тиббиёт фанлари доктори, профессор (Австрия)
Етакчи ташкилот:	А.В.Вишневский номидаги миллий хирургия маркази (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «21» декабрь соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№16 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил « 6 » декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил « 6 » декабрь даги 9 рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнги вақтларда юрак қон – томир касалликларини (ЮҚТК) олдини олиш, ташхислаш ва даволашда сезиларли муваффақиятлар қайд этилмоқда. Аммо шунга қарамай, улар ҳалигача катта ёшли аҳолининг ўлими ва ногиронлигини асосий сабаби бўлиб ҳисобланади. ЮҚТКлари орасида ўлимнинг барча сабабларини таҳминан ярмини ташкил этган ҳолда, касалланиш ва ўлим тузилмасида, юракнинг ишемик касалликлари (ЮИК) устунликка эгадир. Шунини таъкидлаш лозимки, «...мазкур патология билан хасталанган беморлар сони энг меҳнатга яроқли 40-50 ёшга тўғри келади. ЮИКни дори воситалари билан интервенцион (ТОК) даволашдаги ютуқларга қарамасдан, такрорий аралашувлардан холи бўлган ва юқори яшовчанлик кўрсаткичлари сабабли аорта-коронар шунтлаш (АКШ) коронар артерияларнинг кўп сонли шикастланиши бўлган беморларда танлов усули бўлиб қолмоқда...»¹. Дори қопламали стентлар АКШ га бўлган талабни сезиларли пасайтириши тўғрисидаги таҳминлар бир қадар шошқалоқлик билан қабул қилинган бўлиб чиқди. Гарчи улар метали стентлар билан солиштириш бўйича рестенозлар сонини пасайтирсада, учта йирик метатаҳлил кўрсатдики, улар узок яшовчанликни ва кейинги миокард инфарктлар (МИ) сонини пасайтирмади. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, ҳозирги вақтда юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишида жаррохлик йўли билан даволаш муаммоси бўйича келгусида тадқиқотлар олиб бориш учун қатъий зарурият мавжудлигини кўрсатади.

Жаҳонда юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишида жаррохлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жаррохлик амалиёти олди, шулар қаторида EuroSCORE тизими бўйича ретроспектив таҳлил ва стратификация йўли билан ўлим ҳолатлари сони ривожланишини юқори хавфи бўлган юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларини, юракда миокардни жаррохлик ревазуляризациясининг самарадорлиги ва хавфсизлигини, аортаскоронар шунтлашни шошилиш жаррохлик амалиётларидан сўнг, эрта муддатларда нохуш яқунларнинг хавф омилларини ҳамда сунъий қон айланишига ўтказиш ва ишлаётган юракда аралашувларни киритган ҳолда шунтлаш усулига қиёсий ёндошув тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли хирургик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини

¹Ali WE, Vaidya SR, Ejeh SU, Okoroafor KU. Meta-analysis study comparing percutaneous coronary intervention/drug eluting stent versus coronary artery bypass surgery of unprotected left main coronary artery disease: Clinical outcomes during short-term versus long-term (> 1 year) follow-up. *Medicine* (Baltimore). 2018 Feb;97(7):e9909. doi: 10.1097/MD.0000000000009909. PMID: 29443766; PMCID: PMC5839846

олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалари юклатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишида жаррохлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишида жаррохлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлар йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Washington, University of Miami Miller, University of Kansas, University of Duke (АҚШ); University Hospital Lewisham, University of Leeds (Англия); University of Gothenburg (Швеция); University of Copenhagen (Дания); University of Pavia (Италия); Universität Würzburg, University Hospital Schleswig-Holstein (Германия);

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.uottawa.ca; www.med.miami.edu; web.unipv.it; www.duke.edu; www.univ-angers.fr/fr/index.html, <https://www.mcmaster.ca>; www.sklifos.ru; ifnmu.edu.ua; www.english.us.edu.pl; www.keio.ac.jp; www.atauni.edu.tr; www.lewishamandgreenwich.nhs.uk; www.uksh.de; www.utoronto.ca; www.fudan.edu.cn; www.ucalgary.ca; www.univ-nantes.fr; www.ufsc.br; www.uq.edu.au; www.fimmu.com; www.en.csu.edu.cn; www.cu.edu.eg; www.gu.se; www.ku.dk; www.ifnmu.com; www.gu.se; www.helsinki.fi; www.ku.dk сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Université d'Angers (Франция); University of Hong Kong (Хитой); McMaster University. University of Toronto (Канада); University of Silesia (Польша); Keio University (Япония); (Helsinki University, Финляндия); National Medical Research Center of Cardiology, Moscow, Russia; National medical research center of cardiology of the Ministry of healthcare of the Russian Federation (Россия); Ivano-Frankovsk National Medical University (Украина); Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилич равишда жаррохлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: огир юрак дисфункцияси даражасига карамай ишлаб турган юракда бажарилган аорто-коронар шунтлаш операциясининг медикаментоз даволашга нисбатан самардорлиги исботланган (University Duke, АҚШ); ёш катта пациентларда интраоператив ва периператив асорталар ва улим хавфи юқорилиги исботланган (University of Pavia (Италия); махсус системалар ёрдамида юқори хавф беморларида хавф стратификациясини механизми ишлаб чиқилган (Helsinki University, Финляндия); катта ёшли беморларда юрак ишемик касаллигини даволашда аорто-коронар шунтлаш операциясининг аҳамияти исботланган University of Copenhagen (Дания); уткир коронар синдроми булган беморларда тери оркали артериал стентлаш ва аорто-коронар шунтлаш операцияларининг самардорлиги исботланган National Medical Research Center of Cardiology, (Россия); P2Y12 ингибиторларнинг учинчи авлодини клопидогрел билан солиштириш натижасида уни аорто-коронар шунтлаш операцияларидан сунг ишлатилганда самардорлиги исботланган University of Hong Kong, Хитой); мультипараметрик логистик регрессия ёрдамида уткир коронар синдромнинг асоратлар ривожланиш юқори хавфи клиник мезонлари ишлаб чиқилган University of Toronto, Канада); коронар ва каротид артерияларнинг кушма стенозларида симультан операцияларнинг прогностик аҳамияти исботланган (Fudan University (Хитой); аорто-коронар операциясидан сунг иккита антитромбоцитар доривоситаларни қабул қилиш натижасида пациентларда қон кетишининг UGIB ва LGIB даражаси бир хил бўлиб, қон кетиш даражаси DAPT қабул қилиш даражасига боғлиқлиги исботланган (University of Kansas, АҚШ); юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилич равишда жаррохлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштирилган (Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, Ўзбекистон).

Дунёда юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилич равишда жаррохлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштиришни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, жаррохлик амалиёти олди, шулар қаторида юрак ишемик касалликларини асоратланган шакллари бўлган беморларда юрак ичи гемодинамикасини инфарктдан кейинги бузилишларини жаррохлик коррекциясининг бевосита натижаларини асослаш; каротид ва коронар оқим томирлари атеросклерози бўлган

беморларда реваскуляризациянинг бир вақтлик усулини афзалликларини исботлаш; каротид ва коронар артерияларни биргаликда хасталанишида жарроҳлик реваскуляризация тактикаси танлов мезонларини ишлаб чиқиш; юқори хавф беморларида ишлаётган юракда аортакоронар шунтлаш натижаларини яхшилашни техник аспектларини таклиф этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўплаб илмий амалий тадқиқотларга қарамадан, ҳозирги вақтда аорто-коронар шунтлаш бўйича жарроҳлик амалиётларининг аксарияти сунъий қон айланиши (СҚА) ёрдамида бажарилади. АКШ жарроҳлик амалиётлари учун СҚАдан фойдаланиш, аъло даражадаги узоқ натижаларни таъминлаган ҳолда миокардни ҳимоя қилиш билан турғун қонсиз жарроҳлик амалиёти майдони шароитида коронар артериялар анастомозини бажариша имкон беради (Pfister AJ, Zaki MS, Garcia JM, et al. 1992). Аммо шунга қарамай, СҚА қон кетиши, неврологик асоратлар, тўқималарни шиши, миокардни шикастланиши ва беморларни сунъий қон айланиши аппаратидан узиб қўйилгандаги потенциал муаммолар каби ножўя самаралар билан боғлиқдир (Ramkumar J, Gopinathan G, Kavin K, et al. 2019). Ушбу асоратлардан кўпчилигини ривожланувчи тизимли яллиғланиш жавобига ва механик ҳамда иммунологик ўзгаришларга киритиш мумкин (Dubost A, De Gevigney G, Zambartas C, et al. 1990). Бундан ташқари, аралашув вақтида аортанинг кўндаланг сиқилиши, миокардиал, аортал ва неврологик асоратлар ҳавфини ошириши мумкин. Унча узоқ бўлмаган яқин даврда, давомийлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда, СҚАга учраган беморларда жиддий турғун когнетив нуқсонлар қайд қилинди. Ишлаётган юракда коронар шунтлаш техникасини ривожланиши 1990 йилларда Lima ва ҳаммуаллифлар билан таклиф этган техник аспектларни ишлаб чиқилганлиги сабабли амалга ошириш мумкин бўлди. Перикардда серияли чокларни ретракцион қўллаш билан бажариладиган мазкур усул юракнинг ён юзалари артерияларига кириб боришини амалга оширишга имкон берди (Lima RC, Escobar M, Wanderley Neto J, et al. 1993). Кейинчалик перикарднинг кўндаланг чуқурчасида тракцион чокларни қўллаш билан ён деворнинг яхшиланган визуализация усуллари баён этилади (Bergsland J, Karamanoukian HL, Soltoski PR, et al. 1999). Ишлаётган юракда жарроҳлик амалиёти техникасини келажакда яхшилаш PF. Grundeman ва С. Vorst лар билан боғлиқ бўлиб, улар коронар томирларни турғунлаштириш ва очиш учун вакуумли фиксация техникасини қўллаб, ОРСАВ жарроҳлик амалиётларини такомиллаштирадилар. Улар тажриба лабораториясида сўриб олишни турғунлаштиришни биологик оқибатлари ва бўшлиқдаги ҳаракатини ўргандилар ҳамда мазкур усулнинг устунликка эга бўлган турғунлигини исботладилар.

Миокардни жарроҳлик реваскуляризацияси бўйича муолажаларни ривожлантириш жараёнида стабилизацияловчи қурилмаларни ишлаб чиқариш ва конструкциясини такомиллаштиришни талаб этувчи янги муаммолар юзага келади. Вакуумни қўлловчи (вакуум стабилизаторлари) қурилмалар юрак юзасида ҳаракатланишда самарали “сўриб олинишини” яратиш ва қўллаб қувватлаш билан катта қийинчиликларга эга бўлади. Ҳаттоки юракни самарали стабилизациялашга эришилганда ҳам, мақсадли коронар артерия ёғ

қатлами ёки бошқа тўқималар билан ёпилиши мумкин ва жарроҳ учун уни кўриш қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари, стабилизацияловчи қурилма тўқимани, атрофдаги коронар артерияларни ёки коронар артерияларни ўзи деформацияланиши мумкин, бунда анастомозни амалга ошириш учун артериотомияни нохуш ҳолатда амалга оширишга тўғри келади.

Ўзбекистонда юрак ишемик касаллиги ва каротид томирлар стенозларини хирургик амалиётини амалга ошириш борасида (Хаджибаев А.М., 2018; Каримов Ш.И., 2016; Мансуров А.А. 2016), илмий-амалий ишлар олиб борган. Бундан ташқари, шу нарса равшанки, ЮИК билан хасталанган беморларнинг маълум тоифасини даволаш жараёнида жарроҳлик тактикасини танлашга зарурият юзага келади. бироқ, юрак ишемик касаллигида юқори хавф ва асоратланган турларида даволаш тактикасини баҳолаш тизими ўрганилмаган. Шундай қилиб, ишлаётган юракда СҚА ёки аорта окклюзиясини қўллашсиз АКШ ни бажарилишига қизиқишни тикланиши кузатилмоқда. Бундан келиб чиқадики, турғун ва қонсиз коронар анастоматик майдонни таъминловчи оддий ва хавфсиз жарроҳлик усуллари яратилиши, ишлаётган юракда АКШни муваффақиятли ўтказиш учун муҳим аҳамиятга эга. Юқорида баён этилганларидан кўриниб турибдики, юракни стабилизациялаш учун усул ва қурилмаларга эга бўлиш муҳим, улар шароитларни янада кенг диапазони ва ориентациясида уриб турган юрак юзаси билан жароҳатланмайдиган ўзаро таъсирни қўллаб қувватлаш қобилиятига эга булиши шарт.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928502 «Каротид артерияларнинг шикастланиши билан биргаликдаги юракни ишемик касалликлари билан оғриган беморларни жарроҳлик усули билан даволаш усуллари такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади миокардни жарроҳлик ревазуляризацияси усули ва тактикасини оптималлаштириш йўли билан юқори хавф беморларида аортакоронар шунтлаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жарроҳлик амалиёти олди, шулар қаторида EuroSCORE тизими бўйича ретроспектив таҳлил ва стратификация йўли билан ўлим ҳолатлари сони ривожланишини юқори хавфи бўлган юрак ишемик касаллиги бор беморлари гуруҳини баҳолаш;

юқори хавфли беморларда ишлаётган юракда миокардни жарроҳлик ревазуляризациясининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш;

юқори хавфли беморларда аортакоронар шунтлашни шошилинч жарроҳлик амалиётларидан сўнг, эрта муддатларда нохуш яқунларнинг хавф омилларини баҳолаш;

сунъий қон айланишига ўтказиш ва ишлаётган юракда аралашувларни киритган ҳолда шунтлаш усулига қиёсий ёндошув тизимини ишлаб чиқиш;

ЮИКни асоратланган шакллари бўлган беморларда юрак ичи гемодинамикасини инфарктдан кейинги бузилишларини жарроҳлик коррекциясининг бевосита натижаларини баҳолаш;

каротид ва коронар оқим томирлари атеросклерози бўлган беморларда реваскуляризациянинг бир вақтлик усулини афзалликларини исботлаш;

каротид ва коронар артерияларни биргаликда шикастланишида жарроҳлик реваскуляризация тактикаси танлов мезонларини баҳолаш;

юқори хавф беморларида ишлаётган юракда аортакоронар шунтлаш натижаларини яхшилашни техник аспектларини таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида 2013-2020 йилларда кардиожарроҳлик бўлимида жарроҳлик амалиёти ўтказган ЮИК нинг турли шакллари бўлган 27 дан 89 ёш ўртасидаги 1432 нафар беморлар олинган. Тажриба тадқиқотлар объекти бўлиб тана оғирлиги 14 кг дан 24 кг гачани ташкил этган жинсий етилган итларда амалга оширилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилич равишда жарроҳлик йўли билан даволашда коронар томирларни шунтлаш, юрак ишемик касаллигида, уйқу артерияларининг ангиографияси, мультислайс компьютер томография, эхокардиография, томирлар доплерографияси тажрибада баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ишни бажаришда қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида клиник, инструментал, биокимёвий, тажриба ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тақдим этилган ишда асоратлар ривожланишининг юқори ҳавфи бўлган беморлар орасида ЮИК билан оғриган беморларни шошилич жарроҳлик усули билан даволаш тартиби асосланган;

беморни юқори хавф гуруҳига киритишга имкон берувчи ўткир коронар синдром, юрак хайдаш фракциясининг пастлиги, EuroSCORE бўйича юқори кўрсаткич ва каротид ҳамда коронар томирларни атеросклеротик торайиши каби мезонлар аниқланган ва шакллантирилган;

миокарднинг алохидалашган реваскуляризациясида ҳам, коронар ва каротид артериялардаги симультан аралашувларида ҳам зарурат бўлганда асоратларнинг ривожланишини юқори ҳавфи бўлган барча беморларда ишлаётган юракда АКШ нинг афзаллиги исботланган;

ишлаётган юракдаги АКШ муолажасида миокарднинг ҳаракатланмаслигини таъминлаш учун миокарднинг оригинал стабилизатори ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

сунъий қон айланишига ўтказишнинг юқори ҳавфини ҳисобга олиш билан ушбу аралашувни бажаришни оригинал алгоритми ишлаб чиқилган;

каротид ва коронар артерияларнинг биргаликдаги стенозида босқичли ва симультан жарроҳлик аралашувларининг тактикасини танлаш алгоритми таклиф этилган;

каротид ва коронар артерияларнинг биргаликдаги стенозида симультан аралашувларнинг иқтисодий самарадорлиги математик таҳлил йўли билан аниқланган;

қиёсий нуқтаи назардан паст хайдаш фракцияси бўлган юқори ҳавф беморларида ЮИКни жарроҳлик усули билан даволаш натижалари ўрганилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаётган юракдаги аорто-коронар шунтлаш жарроҳлик амалиётларида шунтлаш усулини танлаб олиш алгоритми ишлаб чиқилган; ушбу алгоритмни жорий этилиши сунъий қон айланишга ўтказиш хавфини, асоратлар сонини ва ўлим билан яқунланишларни пасайтиришга имкон берган;

«Ишлаётган юракдаги жарроҳлик амалиётларида миокард стабилизатори» фойдали моделига патент олинди, FAP 01550 (2020 йил 30 октябр санасида); ишлаб чиқилган қурилма аортакоронар анастамозларни шакллантиришда жарроҳлик амалиёти майдони ҳаракатсизлигини таъминлаш ва миокардни стабилизациялашга шароит яратган;

коронар ва каротид артерияларнинг биргаликдаги стенозида даволаш тактикасини танлаб олиш ва қиёсий ташхислашнинг бемор-ориентир алгоритми ишлаб чиқилди, уни қадамма-қадам бажариш, шикастланишни намоён бўлишига боғлиқ холда турли бассейнлардаги аралашувлар тактикаси ва босқичи аниқ белгиланган;

юқори хавфдаги беморларда жарроҳлик ревазуляризациясидаги нохуш яқунларнинг ривожланиш ҳавф омиллари, жарроҳлик амалиёти тактикасини белгилашда уларни ҳисобга олиш асоратлар ва ўлим билан яқунланишлар сонини тегишли равишда 43%дан 21%гача ва 5,8%дан 0,5%гача пасайтирилган;

каротид ва коронар артерияларни биргаликдаги стенозида симультан тактикани исботловчи иқтисодий таҳлил натижалари, мазкур тактика қабул қилинганда даволашга бўлган ҳаражатларни камайтиришга ва катта иқтисодий самарадорликка эришишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, юқори хавф гуруҳига тегишли юрак ишемик хасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишда жарроҳлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қон айланишининг турли бассейнларини биргаликдаги атеросклеротик шикастланиши ва юрак ишемик касаллигининг асоратланган шакллари, паст хайдаш фракцияси бўлган, юқори хавфдаги

беморларни даволашда жарроҳлик тактикасини белгиловчи назарий асосларни яратиш ва билимларни кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ноҳуш яқунларни ривожланиши ҳавф омилларини ҳисобга олиш билан юқори ҳавф беморларида жарроҳлик реваскуляризация тактикасини танлаш алгоритмини такомиллаштириш, ўлим ва асоратлардан қочиш, коронар ва каротид артерияларнинг биргаликдаги стенозида даволаш тактикасини танлаб олиш ва қиёсий ташхислаш алгоритми ишлаб чиқиш, қадамма-қадам бажариш эса шикастланишни намоён бўлишига боғлиқ холда турли бассейнларда аралашувнинг тактикаси ва босқичини аниқ белгилаш, асоратларни ривожланиш ҳавфини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди; ишловчи юракларда анастомозларни шакллантиришни ҳавфсиз ва самарали ўтказиш, ишлайдиган юракда жарроҳлик амалиётлари учун миокарднинг оригинал механик стабилизаторларини ишлаб чиқиш, ҳавфсиз, юқори самарали ва уларни амалий кардиожарроҳликда кенг қўламда қўллаш, клиник амалиётга жорий этиш юракнинг ишемик касаллигини жарроҳлик усули билан даволаш самарадорлигини ошириш, турли асоратлар ва ўлимнинг ривожланиш ҳавфини пасайтиришга имкон берганилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Юқори ҳавф гуруҳига тегишли юрак ишемик ҳасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишида жарроҳлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштиришни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Миокардни стабилизациялаш йўли билан юракни ишемик касалликларини жарроҳлик усули билан даволашнинг оптималлаштириш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н-д/276-сон маълумотномаси). Юқори ҳавф булган юрак ишемик ҳасталиги билан касалланган беморларни хирургик тактикасини такомиллаштириш натижасида «Юқори ҳавф булган юракни ишемик касалликларида ишловчи юракда коронар шунтлашнинг оптималлаштириш усуллари» услубий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н-д/275-сон маълумотномаси) ва «Аорто-коронар шунтлаш операцияларида коронар шунтлаш методини танлаш алгоритми» деб номланувчи компьютер учун дастури тасдиқланган.

Юқори ҳавф гуруҳига тегишли юрак ишемик ҳасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишида жарроҳлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази кардиожарроҳлик бўлими, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм ва Наманган филиалари кардиожарроҳлик бўлимларининг амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н-р/123-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши юқори ҳавф гуруҳига тегишли юрак ишемик ҳасталиги билан касалланган беморларни шошилиш равишида жарроҳлик йўли билан даволаш услубларини такомиллаштириш оригинал миокард стабилизаторларини қўллаш билан

ишлаётган юракда коронар шунтлашни таклиф этилган усулини қўллашни тажрибада асослаш, асоратларни ривожланишини юқори хавфи бўлган беморларда уни қўллаш имконияти тўғрисида хулоса чиқариш ва ушбу тоифа беморларида мос бўлган миокард реваскуляризациясини бажариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан 5та халқаро ва 3та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 226 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юқори хавф беморларида аорто-коронар шунтлашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида муаммони ўрганилиш даражаси ва диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Адабиётлар таҳлили юқори хавф беморларида юракнинг ишемик касалликларини кечиши тўғрисидаги замонавий тасаввурларга, юқори хавф беморларини аниқлашга, мазкур тоифа беморларида жумладан ўзини ечимини ечимини топишни талаб этувчи коронар ва каротид томирларнинг бирга келувчи стенозлари ва уларнинг асоотлари масалаларини аниқлашда жарроҳлик реваскуляризация усуллари қиёсий таҳлиliga бағишланган.

Диссертациянинг **«Юқори хавф беморларда аорто-коронар шунтлашнинг самарадорлигини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мос ҳолда тадқиқотнинг материаллар ва усуллари баён этилган. Тадқиқотларга 2013 йил октябр ойидан 2020 йил март ойигача бўлган даврда Республика Шошилинч Тиббий Ёрдам Илмий Марказининг кардиожарроҳлик бўлимида жарроҳлик амалиёти ўтказган, ЮИЖларни турли шакллари билан оғриган 1432 нафар беморларни жарроҳлик усули билан даволаш натижалари келтирилган.

Клиник тадқиқот материаллари бўлиб 2013 йилдан 2020 йилгача РШТЁМ кардиожарроҳлик бўлимида даволанишда бўлган юракнинг ишемик касалликлари билан оғриган 1432 нафар беморнинг касаллик тарихи маълумотлари хизмат қилди. Жарроҳлик аралашувини ўтказган беморлар орасида эркак шахсидагилар устунликка эга бўлди -1158 одам (80,2%). Жарроҳлик амалиёти ўтказган беморларнинг ўртача ёши $59,8 \pm 8,2$ ёшни ташкил этди ва 27 дан 89 гача ўзгариб турди. Беморларнинг аксариятида 1413 (97,85%) – прогрессив стенокардия ташхиси куйилган.

Аксарият холларда (90,6% беморлар) бу вена оқимини кўп томирли (3 ва ундан ортиқ КА) шикастланиши бўлди. Шунтлашни ўртача индекси 3,5 ни ташкил этди. Чап коронар атерия узагининг гемодинамик аҳамиятли шикастланиши 627 нафар (43,7%) беморларда аниқланди. ЮИКни нотурғун кечувчи ЎКС белгилари бўлган беморларнинг ярмидан кўпи шунингдек ЧКА ўзакнинг аҳамиятли стенози билан боғлиқдир. Индивидуал кўрсатмалар бўйича КШ ЧҚнинг резекция ва аневризм пластикаси, каротид артерияларнинг симультан ёки босқичли реконструкцияси билан тўлдирилди. Бирга келувчи ва йўлдош ҳолатлар, қабул қилинган тактикага боғлиқ холда беморлар учта катта гуруҳга ажратилди:

1 гуруҳ – алохидалашган коронар патологиянинг юқори ҳавфи бўлган беморлар, тадқиқотнинг энг катта гуруҳи бўлиб ҳисобланади ва 1221 нафар беморни қамраб олади;

2 гуруҳ, чап қоринчанинг дискенетик ёки акинетик аневризмаси билан кузатилувчи, чап қоринчанинг яққол намоён бўлган дисфункцияли юқори ҳавф беморларини ўзида бирлаштириб, таркибига 78 касаллик тарихи таҳлилини қамраб олади;

3 гуруҳ каротид ва коронар артерияларнинг бирга келувчи стенозли юқори ҳавфига (кардиологик ёки неврологик мезонлар бўйича) эга бўлган 133 нафар беморларни қамраб олган.

Касалхонада ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан сўнг 30 кун давомида бевосита жарроҳлик амалиёти билан боғлиқ бўлган сабаблар туфайли беморни нобуд бўлиши госпитал ўлим деб ҳисобланди. Диссертация тадқиқоти ўтказишнинг биринчи босқичида “юқори ҳавф бемори” тушунчаси аниқлаштирилди, беморларни ушбу тоифага киритиш мезонлари белгиланди. Мезонлар маълумотларини ҳисобга олиш билан тадқиқот гуруҳи аниқланди, унга EuroSCORE нинг юқори кўрсаткичли беморлари, каротид ва коронар артерияларни бирга келувчи шикастланиши бўлган беморлар ва чап қоринча дисфункцияси ва уни аневризмаси яққол намоён бўлган беморлар киритилди. Кейинчалик ишлаётган юракда коронар шунтлаш техникасини такомиллаштириш ва жарроҳлик аралашувларини жароҳатлантирувчи ҳамда инвазивлигини пасайтиришга қаратилган жарроҳлик усуллари ишлаб чиқилди. Асоратларни ривожланишини юқори ҳавфи бўлган беморларда шошилинич кўрсатмалар бўйича ишлаётган юракда коронар шунтлаш усули ва миокард стабилизатори таклиф этилди ва клиник амалиётга жорий этилди. Келгусида ишлаётган юракда АКШнинг бевосита натижалари, юқори ва

нисбатан паст ҳавф беморларида уларнинг самарадорлиги ва ҳавфсизлиги таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Коронар артерияларнинг алохидалашган торайиши бўлган юқори ҳавф беморларини даволаш натижалари**» деб номланган учинчи боби коронар артерияларни алохидалашган шикастланиши бўлган беморларни даволаш натижалари таҳлиliga бағишланган. Ишлаётган юракда АКШ 1221 (84,5%) нафар беморларда бажарилди, уларнинг ўртача ёши $59,8 \pm 8,2$ йилни ташкил этди ва 27 ёшдан 89 ёшгача ўзгариб турди. Бу беморлар чап қоринчанинг яққол намоён бўлган дисфункциясига эга бўлмадилар, шунингдек бу гуруҳга каротид ва коронар артерияларнинг биргаликдаги стенози бўлган беморлар киритилмади.

Беморлар асосий (юқори ҳавф-ЮХ) – 654(53,6%) ва назорат (паст ҳавф - ПХ) – 567 (46,4%) гуруҳларга ажратилди. EuroSCORE нинг ўртача белгиси асосий гуруҳда 8 (6–17) ва назорат гуруҳида 3 (0–5) бўлди. (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг ҳавф гуруҳлари буйича тавсифи

Курсаткич	Паст ҳавф, n=567	Юқори ҳавф, n=654	P
Ёши, йил	61 (27-78)	67 (42-89)	>0,05
Эркак	466(82,2)	480(73,4)	>0,05
Аёл	101(17,8)	174(26,6)	>0,05
EuroSCORE	3(0-5)	7(6-12)	<0,05
ЮЕ NYHA IV класс	85(15)	209(32,0)	<0,05
Зуриқиш стенокардияси IV синф	2(0,4)	-	<0,05
НС	563(99,3)	627(95,9)	<0,05
ЧКА узагистенози	170 (30)	457 (69,9)	<0,05
УКС	2(0,4)	7(1,1)	<0,05
УМИ	-	20(3,1)	<0,05
Анамнезида МИ	191(33,7)	347(53,1)	<0,05
Кандли диабет	121(21,3)	267(40,8)	<0,05
Сурункали буйрак хасталиги	3(0,5)	15(2,3)	<0,05
Сурункали ўпка хасталиги	19(3,4)	62(9,5)	<0,05
Тана оғирлиги индекси>30	89(15,7)	129(19,7)	>0,05

ПХ ва ЮХ гуруҳларига мос ҳолда жарроҳлик амалиётининг ўртача давомийлиги $205,2 \pm 57,3$ дақиқа ва $245,2 \pm 120,9$ дақиқа; шунт қўйишни ўртача сони $3,5 \pm 1,0$ ва $3,3 \pm 0,6$ ни ташкил этди; юқори ҳавф гуруҳида ПМЖАни шунтлаш учун кўкрак ичи артерияси 88,2% ҳолатларда, паст ҳавф гуруҳларида эса – 94,5% ҳолатларда қўлланилди.

Ишлаётган юрак шароитида АКШ ўтказилган жами 1221 беморлардан 51 (4,1%) нафари сунбий қон айланишида жарроҳлик амалиёти ичи конверсиясига учратилди; улардан 31 (2,5%) нафар беморларда режали конверсия амалга оширилган бўлса, 20 (1,6%) нафар беморлар шошилиш кўрсатмалар буйича СҚАга ўтказилди (2-жадвал).

2-жадвал

Конверсия бўйича беморларнинг тавсифи, абс. (%)

Курсаткич	Конверсиясиз, n=1170(%)	Конверсия билан, n=51(%)	p
Еши, йил	63,2±12,5	65,4±11,7	0,1
Эркак	900 (95,1)	46 (4,9)	0,05
Аёл	270 (98,2)	5 (1,8)	0,05
Кандли диабет	372 (95,9)	16 (4,1)	0,1
ЮЕ NYHA IV синф	270(91,8)	24(7,2)	0,1
EuroSCORE <5	565(99,6)	2(0,4)	0,05
EuroSCORE >5	605 (92,5)	49 (7,5)	0,1
НС	1168(98,2)	22 (1,8)	0,05
ЎКС	-	9 (100)	0,01
ЎМИ	-	20 (100)	0,01
3 кам шунтлар	104(99,05)	1 (0,95)	0,05
3 кўп шунтлар	1028 (95,3)	50 (4,6)	0,01

Мазкур кўрсаткичлар ва уларни конверсия сонига таъсири ўртасидаги алоқани аниқлаш учун бизлар томонимиздан конверсия учун ҳавф омилларининг таҳлили ўтказилди (3-жадвал).

3-жадвал

Конверсия учун ҳавф омиллари

Курсаткич	Нисбий ҳавф (НХ)	Ишонч интервали (ИИ)	P
Ёши 60дан юқори	5,7	2,0-16,5	0,05
Эркак	0,61	0,3-1,3	0,1
Аёл	1,64	0,76-3,5	0,1
Кандли диабет	0,88	0,4-1,9	0,1
Сурункали ўпка касаллиги	0,97	0,23-4,1	0,1
Сурункали бўйрак касаллиги	2,2	0,3-16,7	0,1
Қон айланиш етишмовчилиги NYHA IV класс	2,11	1,03-4,3	0,05
EuroSCORE> 5	11,9	2,8-50,4	0,01
Кардиотоник дориларга мухтожлик	6,3	2,4-16,6	0,01
НС	0,01	0,01-0,03	0,1
УКС	7,78	1,6-37,6	0,05
3дан кўп шунтлар	1,36	0,32-5,8	0,1
Чап коронар артерия узагининг стенози	2,2	0,8-5,7	0,1

СҚАга конверсиянинг ишончли ҳавф омилли бўлиб, бемор ёшининг 60 дан юқорилиги, NYHA таснифи бўйича юрак етишмаслигини IV функционал синфи, EuroSCORE бўйича юқори ҳавф гуруҳига нисбати ва ЎКС фонидagi жарроҳлик амалиёти ҳисобланади. Аёл жинси ва 3 дан ортиқ коронар артерияларни шунтланиши, гарчи конверсия ҳавфига маълум даражада таъсирга эга бўлса ҳам, бироқ бу таъсир статистик ишончли бўлмади.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта даврда яқунга таъсир этувчи (MACCE – Major Cardio-Cerebral Events) асоратлар алоҳида таҳлил қилинди.

Оғир асоратлар паст ҳавф гуруҳининг 18 (3,2%) беморларида ва юқори ҳавф гуруҳининг 98 (14,9%) беморларида ташхисланди. Паст ва юқори ҳавф гуруҳи беморларида мос ҳолда 3 (0,5%) ва 38 (5,8%) ўлим билан яқунланди. (4-жадвал).

4-жадвал

Яқунга сезиларли таъсир этувчи асоратлар тузилмаси, n (%)

Асоартлар *	Беморлар гуруҳи		p
	Паст ҳавф гуруҳи (n=18)	Юқори ҳавф гуруҳи (n=98)	
Жарроҳлик амалиёти олди МИ	0 (0%)	32(4,9%)	0,05
Кардитоникларга мухтожлик	15 (2,6%)	68 (10,4%)	0,05
Ўтказувчанлик ва ритмдаги мураккаб бузилишлар	3 (0,5%)	12 (1,8%)	0,05
Ўпка артериясининг тромбоемболиялари	1 (0,2%)	3 (0,46%)	0,1
ЎБЕ	1 (0,2%)	5(0,76%)	0,1
МҚАЎБ	1 (0,2%)	3 (0,46%)	0,1
Ўлим	3(0,5%)	38(5,8%)	0,05

*бир беморда бир нечта асоратлар бўлиши мумкин

Ўлим асоратлари сабабини таҳлил қилиб, бизлар нохуш яқунларни ривожланиш ҳавф омилларига даволаш натижаларини яқуний кўрсаткичларини таъсирини баҳолашга қарор қилдик (5-жадвал).

5-жадвал

Беморларнинг операциядан олдинги ҳолатини операциядан кейинги даврга таъсири

Курсаткич	Паст ҳавф гуруҳи n=18	Юқори ҳавф гуруҳи n=98	P
Еши 60дан юқори	7(1,9%)	53(9,8%)	0,05
Аёл, n (%)	6(5,9%)	29(16,7%)	0,05
Кандли диабет, n (%)	8(6,6%)	31(11,6%)	0,05
Кон айланиш етишмовчилиги 3-4 ф.к. (NYHA), n(%)	5(5,9%)	21(10,1%)	0,05
Ностабил стенокардия	14(2,5%)	76(12,1%)	0,05
УКС	1(50%)	6(66,7%)	0,1
УМИ	0(0%)	16(80%)	0,05
Чап коронар артерия узагининг стенози	3(1,8)	21(4,6%)	0,05
3дан куп томирни шунтлаш	11(2,2%из 505)	63(10,3% из 611)	0,05
СКАга конверсия	н/д	38(77,5%)	

Юқорида келтирилганларга кушимча равишда нохуш оқибатлар ҳавф омиллари ҳам таҳлили килинди (6-жадвал).

Нохуш окибатлар хавф омиллари

Курсаткич	НХ	ИИ	Р
Ёши 60дан юкори	0,89	0,6-1,37	0,08
Аёл, n (%)	1,14	0,7-1,8	0,06
Кандли диабет, n(%)	0,7	0,45-1,11	0,1
Кон айланиш етишмовчилиги 3-4 ф.к. (НУНА), n (%)	0,62	0,37-1,03	0,1
Ностабил стенокардия	0,24	0,13-0,4	0,1
УКС	3,2	1,1-9,2	0,05
УМИ	3,9	1,9-7,8	0,05
Здан куп томирни шунтлаш	0,21	0,12-0,35	0,09
Чап коронар артерия узагининг стенози	0,16	0,09-0,26	0,06
СКАга конверсия	4,56	2,35-8,9	0,01

Юқори хавф гуруҳида МАССЕ ривожланишини хавф омили бўлиб ЎКС ва ЎМИ сабабли жарроҳлик аралашувлари, шунингдек сунъий қон айланишидаги конверсиянинг зарурияти бўлиши мумкин.

Бизнинг марказда ишлаётган юракда коронар шунтлаш амалиёти қабул қилинган, сунъий қон айланишига ўтиш мустасно тариқасида режали ёки шошилич кўрсатмалар бўйича юзага келади. Бизнинг клиникамиз тажрибасига мос ҳолда, ишлаётган юракда АКШ жарроҳлик амалиётларига кўрсатма бўлиб қуйидагилар ҳисобланди:

- ЧҚни ремоделирлаш (ЧҚ паст хайдаш фракцияси) билан ёки илгари коронар шунтлаш ўтказилгандан кейин миокард ишемияси қайталаниши билан боғлиқ ЧҚ дисфункцияси;

- Йўлдош касаллик ва ҳолатларнинг мавжудлиги;
- СБЕ, ҚД, ЎСОК.

Бизнинг марказимизда СҚА шароитида жарроҳлик амалиётини ўтказиш тўғрисидаги қарор беморларда ўткир жараёнлар (ЎМИ, ЎКС) мавжуд бўлганида қабул қилинади. Аммо бизлар томонимиздан ўтказилган таҳлиллар кўрсатдики, шошилич конверсия учун кўшимча хавф омили бўлиб ЧА ўзак стенози ва митрал регургитациянинг мавжудлиги бўлди.

СҚА шароитида КШни ўтказишга кўрсатма бўлиб қуйидагилар ҳисобланди:

- ЧКА ўзагини шикастланиши (критик стеноз >90%);

- ЧКА ўзагининг шикастланиш эквиваленти;

- нотурғун ҳолат;

- кардиотоник ёрдамга мухтожлик;

- клапан шикастланишини мавжудлиги (МКга регургитация);

- ЎКС, ЎМИ.

Юқорида келтирилганлар асосида бизлар томонимиздан коронар томирларнинг шунтлаш усулини танлаб олиш алгоритми тақдим этилди.

Ушбу алгоритм учун интеллектуал мулк агентлигидан гувоҳнома (09536 рақама остида) олинди.

Мазкур тадқиқотда олинган натижалар ЮИК беморларини жарроҳлик усули билан даволашда нохуш яқунларни ривожланишини ягона патофизиологик асосини кўрсатади. Ўлим ва ўлимга олиб келувчи асоратларни ривожланишида ҳавфни белгиловчи бош бўғин бўлиб, миокарднинг бошидан мавжуд бўлган ишемик дисфункциясини жарроҳлик амалиёти ичи жадалашшиши ҳисобланади. Шу билан боғлиқ холда, жарроҳлик амалиёти олди, жумладан ўлим билан боғлиқ асоратларни пасайтиришга имкон берувчи асосий принциплар жарроҳлик аралашуви инвазивлигини камайиш ва коронар шунтлашда миокардни ҳимоялаш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқдир.


Диссертациянинг «**Чап қоринчанинг дисфункцияли юқори ҳавф беморларини жарроҳлик усули билан даволаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида, чап қоринчада дисфункцияси бўлган 78 нафар беморларни даволаш натижалари баён этилган (ФТ 40%дан кам). Чап қоринчанинг типи бўйича беморлар икки гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳга юқори ҳавф беморлари ЧҚ дисфункциясининг акинетик типигаги (АА)–48(61,5%) беморлар киритилди; назорат гуруҳига эса паст фракцияли (40%дан кам), чап қоринчанинг дискинетик аневризмасига (ДА) эга бўлган беморлар – 30(38,5%) киритилди. Асосий гуруҳда ўртача ёш $61,8 \pm 9,4$ йил (41–78), назорат гуруҳида эса $61,3 \pm 9,6$ йил (36–79)–ни ташкил этди ($P = 0,1$). Асосий ва назорат гуруҳига мос холда ҳар икки гуруҳдаги эркак жинсидаги беморлар аксариятни - 43(89,6%) ва 30(100%) ташкил этди.

Жарроҳлик амалиётидан олдин барча беморларда турли функционал синфлардаги ЮЕни тасдиқловчи белгилар аниқланди. Аксарият беморларда ЮЕ 2-3 ф. с. (NYHA) да устунликка эга бўлди.

Ўлимнинг ҳисобий ҳавфи фарқ қилмади ва ўртача 5 баллни ташкил этди (EuroSCORE (logistic), % ($M \pm m$)-асосий ва назорат гуруҳи учун мос холда $5,21 \pm 3,53$ ва $5,08 \pm 2,89$. ДА гуруҳида сунъий қон айланиши шароитида ЧҚ тромбоектомияси зарурияти бўлганда ва коронар артерияларни шунтлаш кўшилганида ЧҚ аневризмларини резекцияси амалга оширилди. АА гуруҳида эса бизлар фақат коронар артерияларни шунтлаш билан чегараландик.

Барча ҳолатларда миокарднинг мос бўлган ревазуляризациясига эришилди. Ўртача асосий ва назорат гуруҳида мос холда $2,5 \pm 0,6$ ва $2,1 \pm 0,8$ шунтлаш бажарилди. Жарроҳлик амалиётининг давомийлиги ДА гуруҳи учун $355,2 \pm 91,9$ минни ва АА учун - $305,2 \pm 57,3$ минниташкил этди.

ЧҚнинг дискинетик аневризмини даволашда чап қоринча пластика методи куйида келтирилган (1- расм).



1-расм. Жарроҳлик амалиёти ичи тасвири, аневризмлар резекциясини иллюстрация босқичлари ва чап қоринча деворини пластик ёпиш (тушунтириш матнда келтирилган).

Ушбу гуруҳ беморлари яққол намоён бўлган юрак етишмовчилиги белгилари ва юрак ичи гемодинамикасини бузилиши билан тавсифланади, бу ЧҚ деворини меъёрий ҳаракатини бузилиши ва унинг геометриясини ишемик ремоделирланиши билан боғлиқ бўлди. ЧҚни қисқариш хусусиятини сезиларли бузилиши бўлган беморларда миокарднинг ревазуляризацияси самарадорлигини баҳолаш мақсадида бизлар томонимиздан жарроҳлик амалиётига ва касалхонадан чиқарилиш вақтида эхокардиографик текшириш натижалари таҳлил қилинди (7-жадвал).

7-жадвал

Эхо-КГ кўрсаткичлар динамикаси

Эхо-КГ кўрсаткичлари, (M±σ)	Беморлар гуруҳи			
	ДА гуруҳи		АА гуруҳи	
	Жарроҳлик амалиётига вақтида	Касалхонадан чиқарилиш вақтида	Жарроҳлик амалиётига вақтида	Касалхонадан чиқарилиш вақтида
ФВ, %	35,5 ± 6,1	38,7 ± 6,6	37,3 ± 6,8	39,3 ± 5,9
УО, мл	77,7 ± 20,05	71,2 ± 12,6	81,6 ± 26,5	79,2 ± 13,7
КДО, мл	218,4 ± 38,01	214,1 ± 26,6	215,8 ± 40,7	196,8 ± 38,8
КДР ЛЖ, мм	71,0 ± 4,9	66,8 ± 5,3	69,9 ± 6,3	64,4 ± 5,8
КСР ЛЖ, мм	50,1 ± 5,3	48,0 ± 7,6	49,8 ± 6,7	46,6 ± 6,4

Барча p >0,05

Миокарднинг қисқарувчанлик хусусияти ва ҳажмидаги ўзгаришларининг статистик ишончли фарқини мавжуд эмаслиги ЧҚни яққол дисфункцияси

бўлган беморларни жарроҳлик усули билан даволаш натижаларига таъсир кўрсатмаслигидан гувоҳлик беради.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта даврдаги маълумотлар 8-жадвалда тақдим этилди.

8-жадвал

Жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта даврнинг ўзига хосликлари

Кўрсаткичлар	Беморлар гуруҳи		p
	ДА гуруҳи (n=30)	АА гуруҳи (n=48)	
Инотроп даволашни талаб этувчи юрак етишмовчилиги, абс. (%)	27(90%)	48(100%)	0,1
ЎСВ давомийлиги, соат ($M \pm \sigma$)	12,8 \pm 5,0	8,9 \pm 3,7	0,05
Дренажлар бўйича ажралувчи модда хажми, мл ($M \pm \sigma$)	511,6 \pm 204,3	389,7 \pm 147,2	0,05
Эритроцитар массасли трансфузияга талаб , абс. (%)	23 (76,7%)	16 (29,1%)	0,01
Янги музлатилган плазма (СЗП), мл ($M \pm \sigma$)	529,5 \pm 86,0	276,5 \pm 59,3	0,01
Кардиореанимация бўлимида даволаниш давомийлиги, сут. ($M \pm \sigma$)	1,89 \pm 1,2	1,26 \pm 1,15	0,05

Бизлар СҚА қўлланилмаган беморларда қоринчаларда ҳам, бўлмачаларда ҳам ритмни бузилиши ривожланишини ишончли кам сонини олдик (9-жадвал).

9-жадвал

Летал булмаган операциядан кейинги асоратлар таснифи

Асоратлар	ДА гуруҳи (n=30)	АА гуруҳи (n=48)
Инотроп дори воситасини талаб қилган юрак етишмовчилиги	29(96,7%)	48(100%)
Гидроторакс	19(63,3%)	21(43,8%)
Зотилжам	12(40%)	15(31,2%)
Булмачалар фибрилляцияси	14(46,7%)	11(22,9%)
Жароҳат асоратлари	1(3,3%)	1(2,1%)

Бирон ҳолатда ҳам жарроҳлик амалиётидан кейин қон кетиши сабаби билан қайта жарроҳлик амалиётини ўтказиш қайд этилмади.

Қатор муаллифлар СҚА омилидан фойдаланиш мазкур тоифа беморларида ўлим ва асоратлар ривожланиш сонини белгилайди деб ҳисоблайдилар (10-жадвал).

Ўлим асоратлари ва ўлим тузилмаси, n (%)

Ўлим билан боғлиқ бўлган асоратлар	ДА гуруҳи (n=6)	АА гуруҳи (n=6)	P
Юракнинг кам чиқариш синдроми	4(13,3%)	3(6,3%)	0,05
МҚАЎБ	1(3,3%)	0(0%)	н/д
УАТЭ	0(0%)	1(2,1%)	н/д
Қоринчалар фибрилляцияси	1(3,3%)	2(4,2%)	0,06
Ўлим холати	1(3,3%)	1(2,1%)	0,06

Бизнинг тадқиқотларимиз турли гуруҳ беморларидаги госпитал ўлимнинг сезиларли фарқини кўрсатмади (мос холда 3,3 ва 2,1%). Бунда EuroSCORE ҳисоблаш тизими асосидаги башоратлангандан сезиларли даражада паст: асосий ва назорат гуруҳлари учун мос холда ўртача 5,21 ва 5,02% бўлди. ДА гуруҳдаги ўлимнинг бевосита сабаби бўлиб, юрак ажратмасининг кичик синдроми ва қоринчаларнинг фибриляция кўринишидаги юрак ритмлари бузилиши ҳисобланади. Назорат гуруҳида ўлим билан якунланиш беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги 7-8 суткада кузатилди ва ўпка артериясининг тромбоземболияси ҳамда қоринчалар фибриляцияси кўринишидаги юрак ритмини бузилиши билан боғлиқ бўлди.

Шундай қилиб, ушбу гуруҳ беморларини таҳлил натижалари бўйича хулоса қилиш мумкинки, ЧҚ аневризмасини чизиқли пластикаси, аневризмнинг дискинетик типидagi беморларда ЧҚнинг жарроҳлик реконструкцияси усули етарли даражада самарали ва ҳавфсиз усул бўлиб ҳисобланиб, у ЧҚ ўлчамларини сезиларли даражада қисқартиришга ва унинг қисқариш қобилятини яхшилашга имкон беради. Акинетик аневризмларда ишлаётган юракда коронар артерияларни алохидалашган шунтлаш тактикаси, ЧҚ деворидаги аралашув тактикасига боғлиқ бўлмаган холда жарроҳлик амалиёти олди МИ сони ва ўлимнинг нисбатан кам бўлишида миокарднинг қисқариш қобилятини яхшилашга эришишга имкон беради. ЧҚ дисфункцияли беморларни жарроҳлик усули билан даволашда ҳаётга ҳавф келтирувчи асоратлар ва етакчи ўлим сабаблари бўлиб юрак ритмини мураккаб бузилиши ва юракнинг кичик ажратма синдроми ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Каротид ва коронар артерияларни бирга келувчи стенозли юқори ҳавф беморларини жарроҳлик усули билан даволаш натижалари**» деб номланган бешинчи бобида каротид ва коронар артерияларнинг бирга келган стенозини жарроҳлик усули билан даволаш натижалари тақдим этилган. Ушбу гуруҳга киритилган барча 133 нафар беморларда бронхоцефал артерияларда реваскуляризацияланувчи жарроҳлик амалиётлари билан биргаликда миокарднинг бевосита реваскуляризацияси (ишлаётган юракда аутовеноз аортакоронар шунтлаш ва/ёки коронар артерияларда маммарокоронар шунтлаш) бажарилди. Асосий кичик гуруҳда бронхоцефал артерия реконструкцияси билан биргаликда ишлаётган юракда миокард реваскуляризацияси бажарилди. Симультан аралашувлар гуруҳи СГ

– 75(56,7%). Назорат гуруҳида (босқичли гуруҳ - БГ) 58 (43,3%) беморларда биринчи босқичда миокард реваскуляризацияси, сўнгра БЦА жарроҳлик амалиёти бажарилди. Биринчи босқичда бронхоцефал артериялар реваскуляризацияси, кейин АКШ бажарилган беморлар тадқиқотга киритилмади.

